# Саломатлик катта неъмат

Image not found or type unknown



07:28 / 08 февраль 579

وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبَرَصِ
وَالْجُنُونِ وَالْجُذَامِ وَسَيِّئِ الْأَسْقَامِ. رَوَى هذِهِ الْخَمْسَةَ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан песликдан, жинниликдан, моховдан ва ёмон дардлардан паноҳ сўрайман», дер эдилар».**

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадиси шарифларида олдин ёмон дардлардан учтасини номи билан алоҳида зикр қилиб туриб, кейин умумлаштирувчи сўз ила паноҳ сўраган эканлар. Албатта, сиҳат-саломатлик катта неъмат, ундан маҳрум бўлишдан паноҳ сўраб туриш лозим.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.